

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

«Химояга рухсат этилсин»

Факультет декани

_____ ф.ф.д., проф. И.Ж.Юлдашев

2013 йил «__» _____

5140600 - Тарих факультети «Тарих» йўналиши 4-курс талабаси

Мелибоев Тоҳир Абдуллаевичнинг

““Ўзбекистон Республикасида муҳофаа тизимининг шаклланиши

ва мустаҳкамланиши” мавзусини дарслик

ва ўқув қўлланмаларда акс этиши”

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: «Тарих» кафедраси доценти

_____ т.ф.н. Н.Расулова

Такризчилар:

«Тарих» _____ кафедраси _____ доценти

_____ т.ф.н. Ф.Исматуллаев

Тошкент шаҳар Яккасарой Енгил саноат касб-
хунар коллежи, ижтимоий фанлар кафедраси

катта ўқитувчиси _____

У.Хўжакулов

«Химояга тавсия этилсин»

«Тарих» кафедраси мудири

_____ т.ф.н., доц. С.Р.Тўраев

2013 й. «__» _____

ТОШКЕНТ – 2013

Мундарижа

Кириш.....	3
I-боб: Ўзбекистон Республикасида Мудофаа тизимининг шаклланиши ва унинг таркибий қисмлари.....	14
1.1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа қобилиятининг шаклланиши.....	14
1.2. Ўзбекистон Республикаси мудофаа тизимида Қуролли Кучлар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва фуқароларнинг мудофаани таъминлашдаги иштироки.....	32
II-боб: Ўзбекистон Республикасида Мудофаа тизимининг мустаҳкамланиши.....	47
2.1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юксак жангаворлик қобилияти, ҳарбий-техникавий ва илмий куч-қудратининг ривожлантирилиши.....	47
2.2. Мудофаа тизимини мустаҳкамлашда кучли ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар берилишининг аҳамияти.....	66
III-боб: Мавзу юзасидан дарсишланмаси.....	76
Хулоса.....	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	93
Глоссарий.....	99
Иловалар.....	100

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. ХХІ аср бўсағасида жаҳон тараққиётининг мазмуни тубдан ўзгарди. ХХ асрнинг 40-йилларидан – 90 йилларигача бўлган давр оралиғида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ижтимоий–сиёсий тузум, икки ҳарбий–сиёсий блок мавжуд эди. Дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлик тизими шу икки давлатнинг, блокнинг ўзаро муҳолифлик мувозанатида асосланган эди. Дунёда “совуқ уруш” сиёсати ҳукмронлик қиларди. Бутун инсоният ядро уруши хавфи остида яшарди.

ХХ асрнинг 90-йилларига келиб социалистик тузум пароканда бўлди. Дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди. Биргина собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида 15 та давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлди.

Халқаро вазиятда туб ўзгаришлар содир бўлса-да, “совуқ уруш” сиёсати барҳам топган бўлса ҳам, дунё ҳамон мўрт, мураккаб ва муаммоли бўлиб, турибди. Дунё тинчлигига таҳдид солувчи хавф-хатарлар, зиддиятлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидлаганидек: “Ҳозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан, янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш муаммолари улкан аҳамият касб этмоқда”¹.

Халқаро вазиятнинг қалтислиги биринчидан, бир қатор минтақаларда, ҳатто бир мамлакат фуқаролари ўртасида миллий–этник ва диний низолар келиб чиқиб можораларга, қонли урушларга айланиб кетмоқда. Бунга мисол қилиб, ХХ асрнинг охириги ўн йиллигида Тожикистон ва Шарқий Европа

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й, 6-б.

давлатларида, сўнги уч йил ичида Ливия, Сурия, Миср, Тунис, Қирғизистон каби давлатларда юз берган ва бўлаётган воқеаларни келтиришимиз мумкин .

Минтақавий мажораларнинг хавfli тус олганлигини қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди: ҳозирги пайтда бутун дунёда қарийб 50 миллиондан ортиқ қочоқ бор. 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 миллион киши рўйхатга олинган: фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одам ўз яшайдиган жойларни ташлаб бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган¹.

Иккинчидан, умумий минтақавий ва миллий хавфсизликка диний экстремизм ва фундаментализм ҳам таҳдид солмоқда.

Учинчидан, айрим давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган сиёсат натижасида давлатлараро ва элатлараро қарама- қаршилик, мажоралар келиб чиқмоқда. Шундай мураккаб вазиятда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Миллий хавфсизликни таъминлаш мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш вазифасига аълоҳида эътибор қаратди.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш мудофаа қобилятининг мустаҳкамлигига боғлиқ.

Ўзбекистон ўз мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида бир қатор ислоҳатларни амалга оширди.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги IX сессиясида “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни мамлакат мудофааси борасидаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 11 майдаги иккинчи чақириқ V сессиясида “Мудофаа тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу Қонунининг 2-моддасида “... мудофаа деганда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий,

¹ Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.:“Шарқ”, 1998.- 280 - б.

ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи тушунилади”¹ - деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунига асосан Қуролли Кучлар урушлар ва қуролли можароларни қайтариш ҳамда олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмларни, шунингдек, бошқа ҳарбий тузулмаларни ўз ичига олиши белгилаб қўйилди.

Республика мустақиллиги шароитида миллий ғоя, маънавий-маърифий, тарихий билимлар асосида таълим - тарбияни ташкил этиш мазмунини тубдан янгилаш зарурати юзага келди. Ушбу заруратни ижобий равишда ҳал этиш оила - таълим муассасалари - жамоатчилик - давлат - жамият бешлигини яратиш асосида амалга оширилади. Ёшларга мамлакат Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши ҳақида назарий ҳуқуқий билимларни бериш, уларда ватанпарварлик ўз юртига муҳаббат ҳамда тарихий хотира асосида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш юксак ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш масалалари мазкур йўналиш доирасида ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир. Чунки, узоқ йиллар давомида Мудофаа тизими шаклланиши ва мустаҳкамланишига қаратилган илмий педагогик асарлар яратилмади; ўқувчиларга мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши ҳақида билимлар бериш уларда ҳуқуқий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш бўйича ягона изчил тизим ишлаб чиқилмади; кенг қўламли ҳуқуқий ахборотли муҳит яратилмади; ўқув дастурлари ҳамда дарсликларда мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши мавзуси Қуролли Кучлар мисолида ёритилди; мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши мазмуни дарслик ва адабиётларда деярли ёритилмади.

Ўзбекистонда инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида фуқароларни, шу жумладан ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 10-сон

бугунги куннинг долзарб масаласи, бош шиорига айланди. Ўзбекистон Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши борасида кейинги вақтда олиб борилаётган ишларнинг ўқув дарслик ва адабиётларда акс этиши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги муҳим аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Бугунги кунга қадар тарих, маънавият асослари, миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари соҳаларида Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланишининг илмий педагогик асосларини яратишга жиддий қўл урилмаган, ўқувчилар ўртасида мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши ҳақидаги билимларни тарғиб этувчи мукаммал ўқув дарслик яратилмаган.

Ҳамроев Н, Аминов Б, Расулов Т, Жўраев Н. Файзуллаев Т, Жалилов Ш, Абилов М.Х, Иноятов И.Ю, Зиёев Ҳ, Пахрутдинов Ш, Тўраев Б, Убайдуллаев У, Реджабоев А.Д, Самаров Р.С., Рустамбоев М.Х, Никифорова Е.Н, Турсунов А.С, Қобилов Ш.Р, Зияева.Д.Х, лар¹ мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига оид тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Лекин адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики Ўзбекистон Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши масалалари республикамізда чоп этилган ўқув қўлланма ва дарсликларда қисман ёритилган. Ушбу ҳолатлар

¹ Ҳамроев Н. Мактабда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси. -Т.:“Ўқитувчи”, 1981; Аминов Б. Расулов Т. Ватан юракдаги жавохир . - Т.: “Ўқитувчи ” 1996; Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т., “Шарқ”, 2000; Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари тижриба таҳлил амалиёт. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001; Абилов М.Х. Куролини Кучларда тарбия ва маънавий- марифий ишларнинг ташкил этилиши. Мақолалар тўплами. “Ватан ҳимояси- муқаддас бурч”.- Т.: “Ўзбекистон ” , 2001; Иноятов И.Ю. Ҳарбий ҳамкорлик. Мақолалар тўплами. “Ватан ҳимояси – муқаддас бурч”.- Т.: “Ўзбекистон”, 2001; Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001; Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001; Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. – Т.: “ Ўзбекистон ”, 2001; Реджабоев А.Д. Ватан ҳимояси- миллий ифтихор. -Т.: “Ўқитувчи”, 2004; Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2005; Турсунов А.С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Мудофаа ва ҳавфсизлик. – Т “Ўзбекистон”, 2005; Қобилов Ш. Р. Миллий ҳавфсизлик иқтисодий муаммолари. – Т .: “Шарқ”, 2006. Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. -Т.: “Шарқ”, 2012

“Ўзбекистон Республикасида Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши мавзусининг ўқув қўлланма ва дарсликларда акс этиши” деб номланган битирув малакавий ишини танлашга асос бўлди.

БМИнинг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикасида мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланишини илмий тадқиқ этиш ва ушбу мавзунинг умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқув қўлланма ва дарсликларида акс этиши мазмуни ва шакл методларини танкидий ўрганиб чиқиш. Юқорида қўйилган мақсддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Мавзуга доир тушунчаларнинг мазмун моҳиятини илмий ўрганиб чиқиш;
2. Ўзбекистон Республикасида Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши тарихини ўрганиш;
3. Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ташкил этишда Қуролли Кучлар, Давлат органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва фуқароларнинг мудофаани таъминлашдаги иштирокини ўрганиш;
4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юксак жангаворлик қобилияти, ҳарбий-техникавий ва илмий куч-қудратининг ривожлантирилишини таҳлид этиш;
5. Мудофаа тизимини мустаҳкамлашда кучли ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар берилишининг аҳамиятини ёритиш;
6. Мавзунинг технологик харитаси ва таълим технологияларини ишлаб чиқиш;
7. Илғор педагогик технологиялар асосида ўрганишни ташкил этиш илмий хулоса ва тавсияларни бериш;

БМИ нинг методологик асослари. Тадқиқотни ёзиш, ўрганилган масалаларни баҳолаш, илмий хулосаларга келиш, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари , нутук ва суҳбатларида, акс этган Ўзбекистон мудофаа тизимини шакллантириш ва ривожланишига оид фқир – мулоҳазалари, концептуал ғоялари, амалий хулосалари, шунингдек Олий Мажлиснинг мудофаа соҳасига оид қонунлари методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Мавзуни ёритиш жараёнида тадқиқотчи томонидан ижтимоий воқеаликни билиш ва ўрганишнинг диалектик методи, унинг илмийлик, холислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш тамойилларига таянил

Мавзунинг илмий амалий аҳамияти.

Ушбу бажарилган битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот ишида мавзуга оид манбалар, мутахассисларнинг қарашлари, муносабатлари чуқур таҳлил қилиб ўрганилди. Мавзу бўйича тадқиқот ишлари натижалари сарҳисоб қилиниб, мавзу моҳиятига оид илмий асосланган хулосалар чиқарилди.

Бажарилган битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти таълим тизимининг турли босқичларида мактаб ўқувчиларига, олий ўқув юрти талабаларига шу мавзуга оид материалларни самарали ўзлаштиришга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши : Ушбу битирув малакавий иши кириш, ҳар бири мавзу материлларини қамраб олган ва иккитадан параграфдан иборат бўлган иккита боб ва бир соатлик дарс ишланмасини ўз ичига логан учунчи боб, услубий тавсиялар, хулоса, фойдаланилган адабийтлар рўйхати ва иловалардан ташқил топган.

I-боб: Ўзбекистон Республикасида Мудофаа тизимининг шаклланиши ва унинг таркибий қисмлари.

1.1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа қобилиятининг шаклланиши.

Биз мустақилликка эришгач, халқимиз учун тинч ва фаровон, эркин ва озод ҳаётни таъминлаш ва ҳимоялаш, юксак маърифий маданий салоҳиятга эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўйдик. Бундай юксак мақсадларга эришиш учун, биринчи навбатда, Ватанимиз мустақиллигини, унинг хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш вазифаси турар эди. Тарихдан маълумки, юртимиз бошига оғир, синовли кунлар тушганда унинг озодлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга қодир мард фарзандлар кўкрагини қалқон қилиб ёвга қарши чиққан. Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури каби довюрак, жасур, ватанпарвар буюк саркардаларнинг номлари ва жасоратлари тилларда дostonга айланган. Асрлар ўтса-да уларнинг қаҳрамонликлари халқимиз қалбида мангу яшайди, ҳар бир ватандошимиз учун ўрнак бўлиб хизмат қилади.

“Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғланган деб айтишимиз мумкин”¹.

1991 йил 19 август куни собиқ Иттифок ҳудудида рўй берган сиёсий жараёнлар, ГКЧПнинг (фавқулодда ҳолат давлат комитети) эълон қилишини, унга раҳбарлик қилган СССР вице-президенти Г.Янаев, СССР Министрлар Советининг раиси В.Павлов, КГБ раиси В.Крючков, мудофаа вазири Д.Язов, ички ишлар вазири Б.Пуғолаи томонидан эски тоталитар тузумни сақлаб қолишга уринишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон сафарида бўлганлигидан фойдаланган шу даврдаги Республика вице-президенти Ш.Мирсаидов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети иккинчи котиби А. Ефимовнинг

¹ Қаримов И.А. Миллий армиямиз- мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 8-бет.

имзоси билан Ўзбекистон ССРнинг барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон АССРга, Ўзбекистон ССР ҳудудида СССР Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида кўрсатма берилиши мустақиллик сари қўйилган дадил қадамлар илдизига болта уришига қаратилган эди.

“1991 йил 19 август куни кечқурун сафардан қайтиб келганимда, - деб эслайди Президент Ислам Каримов “Миллий армиямиз-мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” номли асарида, мени Тошкент аэропортида биринчилар қаторида Туркистон ҳарбий округи қўмондонлари ва Москва йўллаган бир неча генераллар кутиб олди. Агарки, ҳаёлан ўша дамларга қайтиб, ўша вазиятни бир сўз билан ифода қилиб айтадиган бўлсак, аэропортнинг ўзидаёқ қандайдир бир кескинлик, таҳлика ва хавф-хатар нафаси ҳавода кезиб юргандек туюларди”¹.

Бу вазоҳат ва кўрқитишларга Ўзбекистон ўз муносабатини билдирди. Таҳлика кучайган бир шароитда Ўзбекистон Президенти 1991 йил 20 июнда қабул қилинган давлат Мустақиллиги Декларациясининг 3-банди асосида Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетининг 25 августдаги фармони билан Ўзбекистоннинг қонуний тасарруфига ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўн иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 6-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга”², деган сўзлар битилди.

Бу ҳужжат мустақил Ўзбекистон Республикасига ўз ҳарбий сиёсатига асос солиш ва Қуrolли Кучларини тузишда ҳуқуқий асос бўлди.

Иттифоқ парчаланиб кетаётган мураккаб бир вазиятда, мустақил суверен давлат қурилишининг дастлабки босқичида Ўзбекистонда Мудофаа ишлари

¹ Каримов И.А. Миллий армиямиз- мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 9-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 6-модда)

вазирлигининг ташкил этилиши том маънодаги тарихий воқеа, асло кечиктириб бўлмайдиган ҳаётий зарурат бўлганини бугун, орадан маълум вақт ўтганидан кейин яққол сезиш ва баҳолаш мумкин. Ўзбекистон Мудофаа тизимини ташкил этилиши тарихий заруратдан келиб чиққанини биз шунда кўрамизки:

биринчидан, Президент Ислом Каримов олдида янги тузилган давлатни бошқаришда бир-биридан муҳим, бир-биридан чигал, мураккаб вазифалар, муаммолар пайдо бўлаётган бир вақтда давлат мустақиллигини, тинчлик-осойишталикни, моддий ва маънавий бойликларни ҳимоя қилиш, халқни уруш ва очликдан асраб қолиш бош масала бўлиб кун тартибига чиқди. Вазият нақадар қалтис бўлгани, фуқаролар уруши ёки миллатлараро низо чиқиб, қон тўкилишга бир қадам қолганини қуйидаги мисоллардан ҳам билса бўлади. Турли этник ва диний гуруҳлардан иборат 60 миллионга яқин аҳоли яшайдиган минтақамизда иқтисодий, сиёсий вазият ўта таранглашган эди. Собиқ СССР тарқалгач, ҳамдўстлик давлатлари чегаралари ва улар ичида 24 марта ҳарбий тўқнашув ва ҳарбий можароларга оид 74 вазият қайд этилди¹. Бу мамлакатимиз миллий хавфсизлигига хавф солмасдан қолмас эди, албатта.

Иккинчидан, XX асрнинг 80-йилларида турли уруш-жанжаллар гирдобидида қолган Эрон, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Тожикистон сингари давлатлар билан Ўзбекистоннинг яқин чегарадошлиги. Ана шундай бир шароитда ёш Ўзбекистон республикасига турли йўллар билан таъсир ўтказиш, уни демократик, дунёвий ривожлантириш йўлидан қайтариб, диний давлат тузишга даъват этувчи кучлар ҳам пайдо бўла бошлади. Минтақамиздаги ана шундай нотинч, таҳликали вазият Ўзбекистон олдида ўз мудофаа тизимини тезроқ вужудга келтириш вазифасини долзарб қилиб қўйди.

Вазиятни теран англаган Президент Ислом Каримов “Истиқлол йўли: муаммолари ва режалари” номли асарида “Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилишга, турли кўпоровчи ҳаракатларга муносиб зарба беришга, минтақага қурол ва аслаҳаларни киритишга йўл

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. 406- 407 -бет.

қўймасликка - ҳаммасига қурби ва қудрати етарли бўлиши зарур”¹, деб таъкидлаган эди.

Минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзи Ўзбекистонга Қуролли Кучларга асос солинишининг тарихий зарурати сифатида кун тартибига қўйилди. Мустақиллик ҳимояси йўлида ўз армиясини тузишга қарор қилган Ўзбекистон бу йўлда собитқадамлик билан борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 10 сентябрдаги фармонида биноан Мудофаа ишлари вазири айна вақтда Миллий гвардия қўмондони ҳам этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва низоми тасдиқланди. Мудофаа ишлари вазирлиги маҳаллий ҳарбий бошқарув тизимлари, Фуқаролар мудофааси штаби ва армия сафидан ташқаридаги хизматнинг махсус бошқармаси, Республика ДОСААФ ташкилоти негизида ташкил қилинди (кейинчалик ДОСААФ “Ватанпарвар” ташкилотига айлантирилди). Кейинчалик Туркистон ҳарбий округининг бошқарув органлари негизида Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармаси ҳамда уларнинг жойлардаги қуйи бўлинмалари тузилди².

Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

- ҳарбий сафарбарлик тадбирлари;
- Миллий гвардияни тузиш ва таълим бериш;
- фуқаролар мудофаасини амалга ошириш;
- ҳарбий билим юртларини бутлаш;
- олий ўқув юртларидаги ҳарбий кафедралар ва кучайтирилган ҳарбий тайёргарлик мактабларини бошқариш;
- муқобил хизматни ташкил этиш;
- уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар билан ишлаш;
- ҳарбий хизматга чақириш, қўшинларни жойлаштириш;

¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 7-8 бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. “Т.: Ўқитувчи” 2012 . - 5 – 6.

- ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, қўшин ва ҳарбий объектларни янги жойга қўчириб жойлаштириш, шунингдек ҳарбий техника ва қурол-яроғларни четга чиқариш ва ташқаридан олиб келиш;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифалари юклатилди.

1991 йил 30 декабр куни Минск шаҳрида МДХ давлат раҳбарларининг йиғилишида ҳарбий масала кўтарилди ва унда Ўзбекистон Республикаси биринчилардан бўлиб ўз Қуролли Кучларини тузажагини билдирди. Кенгашда Қуролли Кучлар ва Чегара қўшинлари тўғрисидаги битим қабул қилинди, ҳамдўстлик қатнашчилари бўлган давлатлар ўз қуролли кучларини тузишларини тасдиқлади. Собиқ Иттифоқ Қуролли Кучлар Бош Қўмондонига икки ойлик муддат ичида ҳамдўстлик давлатлари миллий қонунчилигини инобатга олган ҳолда умумий йўналишдаги кучларни бошқариш тартибини, ҳамдўстлик давлатлари ўз қуролли кучларини тузиш ҳуқуқини навбат билан амалга тадбиқ этишни кўриб чиқишни топширди.

Бундай қарор, табиийки, маълум масаларни ҳал қилишда яна марказдан бериладиган кўрсатма асосида иш тутишга мажбур қиларди. Россия мудофаа масалалари бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари В.Лопатин қуролли кучлар масаласини ҳал этишнинг уч йўлини таклиф этди: биринчиси худди олдингидек ягона армия, ягона қўмондонликни сақлаб қолиш, иккинчиси стратегик ва ядро қуроллари арсеналини ўзида жамлаган бирлашган қуролли кучларни ташкил этиш, учинчиси миллий армия барпо этилишини қайд этди. Шунингдек, у “Ўрта Осиё учун ягона армия тузиш афзал, чунки керакли армияни таъминлаш учун уларнинг маҳаллий бюджети дош беролмайди”¹, деганди. Лекин мустақил Ўзбекистон Республикаси ташқаридан тиқиштиришга уринилган бундай таклифларни рад этиб, давлат атрибути ва мустақилликнинг асосий шarti ва қафолати бўлган миллий армияни тузиш йўлидан чекинмади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. -109-б.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йилнинг 10 январида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирилигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида”, 14 январда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида” қарорлар қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Иттфоққа қарашли Ички ишлар ва Мудофаа вазирликларининг қисмлари, бирлашмалари, кўшилмалари, олий ўқув юртлари, ҳарбий тузилмалари мамлакатнинг қонуний тасарруфига олиниши белгиланди. 1992 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари бўлинмалари ҳақида”ги Фармони билан Республика Миллий хавфсизлик хизмати қошида чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди ва Марказий Осиё чегара қўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди².

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг 1992 йил 20 мартда Киев шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида яна ҳарбий масала кўтарилиб, собиқ Иттифоқ тизимидаги ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари марказ томонидан 1992 йил 1 майдан маблағ билан таъминланмаслиги билдирилди. Бундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида”ги Фармони билан ушбу қўшин турлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида”ги, 13 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлари ҳақида”ги Фармони билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган мазкур турдаги қисмлар республика тасарруфига ўтказилди ва сифат жиҳатидан

² Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. - Т.: “Шарқ”, 2012. - 227 - б.

такомиллаштирилди¹. Шу тариқа мамлакатимизда мудофаа тизими шаклантирилди.

1991 йил 31 августда қабул қилинган “�збекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги тарихий қонуннинг 6 – моддасига биноан давлатимиз халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқига эга эканлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонида асосан мамлакатда Мудофаа ишлари вазирлиги тузилишини ўткинчи бир ҳолат деб ҳисоблаган Г. Кондратьев Мудофаа вазирининг ҳузурига важоҳат билан кириб, ғазабини яширмай: “Туркистон ҳарбий округи 1867 йилдан бери бу ерда турган, бундан кейин ҳам туради”, дея Туркистон ҳарбий округи биносидан Ўзбекистон байроғини ва янги пештахтани олиб ташлашни талаб қилади. Талаби бажарилмаган тақдирда Москвага мурожат этиши ва шахсан республика Президенти Ислон Каримовга ҳам айтишини билдиради. Ўша кунгача Туркистон ҳарбий округи қўмондонлари учун республика барча раҳбарларининг эшиклари доим очик эди. Ўшанда биринчи бор Туркистон ҳарбий округи қўмондони Президент ҳузурига кира олмайди. Унга Президент фикрини айтишади: республика мудофааси билан боғлиқ барча масалаларни мудофаа вазири орқали ҳал қилади. Кондратьев барча саволлар билан мудофаа вазири ёки мудофаа масалалари билан шуғулланувчи Президент маслаҳатчисига мурожат этиши мумкин¹.

Шу пайтгача айтгани айтган, дегани деган бўлишига ўрганган генерал Кондратьевнинг Давлат маслаҳатчиси олдида кириб, ўз норозилигини изҳор этишдан бошқа иложи қолмайди. Шундан сўнг Президент мудофаа вазири ва Давлат маслаҳатчисини ҳузурига чақиради ва вазирдан кулимсираб: “Нима тўполон бошлаб юрибсан?” деб сўрайди. Топшириқни Президент томонидан берилганидан беҳабар маслаҳатчи вазирга унинг хатти-ҳаракатлари Конституцияга зид экани, Ўзбекистон Байроғи Парламент, ҳукумат ва Президент

¹ Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. - Т.: “Шарқ”, 2012. - 227 – б.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. 109-б.

қароргоҳи биноларидагина осилиши мумкинлигини айтиб, тенбех бера бошлайди. Шунда Президентимиз хотиржамлик билан: “Энди мустақил бўлдик, халқимиз, оддий фукароларимиз ўз байроғи ва Қуролли Кучларига ишониши, улар билан ғурурланиши керак. Байроқ ҳам, ёзув ҳам менинг топшириғим билан қўйилган. Байроғимиз мустақиллигимиз рамзи сифатида хилпираб тураверсин”², деб айтади.

Ўзбекистон мустақил бўлгани, замон ўзгараётгани тан олишни истамаган Кондратьев “ётиб қолгунча отиб қол” қабилида иш тута бошлайди. У Ўзбекистонда қолиб хизматни давом этириш истагини билдирган офицерларни сотқинликда айблаб, жамотчиликда салбий фикр уйғотишга зўр бериб уринди. Шунда Ўзбекистон Республикаси Президенти қатъият билан, Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга эканини ва иттифокқа тегишли ҳарбий округнинг ҳудудимизда қолишига ўрин йўқлигини айтади. Шашти синган генерал республика ҳудудидаги ҳарбий техника ва қурол –яроқларни оммавий равишда олиб чиқиб кетиш чораларини излай бошлайди ва 1991 йил 30 декабрда ҳарбий техникаларни халқ хўжалигига сотиш бўйича тижорат марказини тузиш ҳақида буйруғини эълон қилади. Президент кўрсатмаси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1992 йил 30 январда махсус буйруғи чиқарилади ва мазкур тижорат маркази фаолияти Ўзбекистон ҳудудида тўхтатиб қўйилади.

Ўзбекистон Президенти Ислов Каримовнинг шижоати билан амалга оширилган бу қаҳрамонлик натижасида Туркистон ҳарбий округи тасарруфида бўлган республикалар ҳам ўз миллий армиясига асос солиш имкониятига эга бўлди.

² Аббосхўжаев О. Мустақил бўлсанг – мустақил бўл, давлат бўлсанг – давлат бўл!/ Ватан ҳимояси муқаддас бурч. –Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 231-232 – бетлар.

1.2 Ўзбекистон Республикаси мудофаа тизимида (Қуролли Кучлар) Давлат органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва фуқароларнинг мудофаани таъминлашдаги иштироки.

Қуролли Кучлар мамлакат мудофаа тизимининг таркибий бўғини бўлиб, давлатнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги гаровидир. Қуролли Кучларнинг юксак ташкилий ва жанговор ҳолати, давлат мудофаасини таъминлашга қодирлиги мамлакатнинг тақдири ва ривожланишида асосий омил ҳисобланади. Мустақил давлат ўз суверенитети ва хавфсизлигини муҳофаза эта олиши лозим. Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришгач, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, халқнинг тинч ҳаёти, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Қуролли Кучларни тузишни эълон қилган эди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги (1991 йил 31 август) қонунда юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, Миллий гвардияни ташкил этиш ва Мудофаа ишлари вазирлигини таъсис этиш зарурлиги таъкидланган эди¹. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вужудга келишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги қарори алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра собиқ Иттифоқ Қуролли Кучларининг республикамиз ҳудудида жойлашган барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий тизилмалари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинди, яъни уларнинг бутунлай Ўзбекистон қонунлари ва мамлакат раҳбариятига бўйсунishi ҳамда бошқа давлат ёки ташқи ҳарбий тузилмаларга итоат этмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаб қўйилди².

Республика Олий Кенгашининг XIVсессиясида 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунига биноан 14 январь- Ватан ҳимоячилари куни эълон

¹ Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунни 6- модда. 1991 йил 31 август //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. - 1991 -№ 11.

² Миллий истиқлол ғояси ва миллий хавфсизлик: Маърузалар курси / Ш.О . Мамадалиев.- Т .: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.- 2007. – 192- б.

қилинди¹. Ҳар йили бу кун Ўзбекистон Қуролли Кучлари ходимларининг байрами сифатида расмий равишда мамлакатда кенг миқёсда байрам қилинади.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Конституциямизда замонавий маърифий давлатларга хос демократик адолатли нормада ҳуқуқий мақом олди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларга эга” (126-модда). Бу ўринда қатъий императив маъно бор, яъни Ўзбекистон ўз хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш учун зарур даражада армияга эга бўлишга ҳақли, дейилмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши (2001 йил 11 май) юқоридаги конституциявий нормани муфассаллаштиришда, Қуролли Кучларнинг шаклантирилиши, мустаҳкамланиши ва бошқарувнинг такомиллаштирилишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 5 сессиясида “Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ҳамда “Муқобил хизмат тўғрисида” қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари куруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус ва муҳандислик–қурилиш қўшинлари ҳамда махсус Миллий гвардия қўшинларидан иборат. Уруш бўлган тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари билан ҳамкорликда бажарадилар³.

Қуролли Кучларни мамлакат миқёсида жойлаштириш Республика Олий Бош Қўмондони (яъни, Ўзбекистон Президенти) раҳбарлигида Мудофаа вазирлиги, унинг бош штаби томонидан ишлаб чиқилган схема бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, чегаралари ҳамда ҳаво чегараларининг ишончли ҳимоя қилинишини назарда тутувчи стратегик режа ҳарбий доктрина талаблари,

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил, 29 декабрь// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 .№1.

² Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи: Дарслик .-Т., 2005. -382-б.

³ Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан.- Т.: “Шарқ”, 2012. 228 -бет.

стратегик, оператив ва қўшинларни жанг олдидан сафарбар этиб жойлаштириш режалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий соҳадаги ваколатлари анча кенг. У Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони сифатида Қуролли Кучларнинг Олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади, олий ҳарбий унвонларни беради¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тажовуздан бир-бирини муҳофаза қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилишга ҳақли. У бу қарорни 3 кун мобайнида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади, раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси)².

Қуролли Кучларни тузиш “Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Армияни сақлаб туриш, молиявий, моддий-техникавий таъминлаш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Мудофаага ажратиладиган маблағлар миқдори ҳар йили Олий Мажлис томонидан тасдиқланади, яъни мамлакат мудофааси учун кетадиган маблағлар мамлакатнинг олий вакиллик органи билан баҳамжиҳатликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини бошқариш республика Президенти билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам амалга оширилади. Қуролли Кучларнинг ҳарбий тайёргарлик ва моддий-техникавий соҳадаги эҳтиёжларини таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муайян ваколатларга эга.

¹ Абдусаломов М.Ю. ва бош. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ.-Т., 2001. - 433-б.

² Ўша манба.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ватанимизнинг минтақавий хавфсизликнинг муҳим омили сифатидаги нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга. Мамлакат мудофаа қобилиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни тараққий эттиришда ва Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий соҳадаги халқаро алоқаларни чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутadi¹.

Ҳозирги шароитда хавфсизлик фақат коллектив бўлиши мумкин. У ҳамфикр давлатларнинг биргаликдаги савийи- ҳаракатлари билан, уларнинг имкониятлари билан таъминланади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ байроғи остида тинчликни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга ошираётган ҳар қандай тадбирларда иштирок этишга тайёр. У минтақада хавфсизлик тизимини вужудга келтиришнинг ташаббускорларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа салоҳиятини кучайтиришда унга қўмаклашувчи тузулмаларнинг аҳамияти катта. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Прокуратура, Давлат божхона қўмитаси каби ваколатли органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари “Ички ишлар вазирлиги тўғрисида”ги вақтинчалик низом (1991 йил 25 октябрь) асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролардан вазирликнинг вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни талаб қилиб олишга, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўз фаолиятини биргаликда амалга оширишга ва мувофиқлаштириб боришга ҳақли².

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлайди ҳамда жиноятчиликка қарши кураш олиб боради.

¹ Одиқориев.Х.Т. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи: Дарслик .-Т., 2005. 382-б.

² Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. - Т., 2005. -147

Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг жойлардаги органлари чет эл давлатлари ва ташкилотларнинг Ўзбекистонга қарши қаратилган разведка-қўпоровчилик фаолиятларига қарши курашади, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий илмий-техникавий ва мудофаа потенциални қонунларга ҳилоф тажовузлардан ҳимоялайди. “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида” ги низом МХХ фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади¹.

Миллий хавфсизлик хизматининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси манфатлари асосида разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳисобланади.

Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари билан ҳамкорликда давлат чегарасининг дахлсизлигини таъминлаш юзасидан чора - тадбирлар ўтказди. Шунингдек, давлат сирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Корхона, муассаса ва ташкилотларга тижорат сирларини сақлашда ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатлари берилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий идоралари: корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар мудофаани, халқ хўжалигининг сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг бажаришлари учун масъул бўладилар;

ҳарбий қисмларга ва муассасаларга зарур маҳаллий маҳсулотлар етказиб берилишини, улар сув, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланишини амалга оширадилар, алоқа воситаларини берадилар, коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатадилар;

мудофаа манфаатларини кўзлаб қонунларга мувофиқ ер ажратиб берадилар ва улардан фойдаланишни назорат қилиб борадилар;

¹Рустамбоев М. Х., Никифорова Е.Н. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. - Т., 2005. -148-149-б.

қонунларда белгиланган тартибда ҳарбий қисмларга, Қуролли Кучларнинг муассасаларига, ҳарбий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларига хизмат бинолари ва турар жойлар ажратиб берадилар, ҳарбий объектларга, ҳарбий хизматчиларга, уларнинг оилаларига нисбатан қонунга зид ҳатти-ҳаракатлар қилинишига йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар кўрадилар¹.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа салоҳиятини кучайтиришда “Ватанпарвар” ташкилотининг ўрни ҳам каттадир. “Ватанпарвар” ташкилоти ёшларни ҳарбийликка тайёрлаш ишларида мудофаа ишлари бўйича тегишли органларга ёрдам беради. Ҳарбий ўқув юртларида ўқиш хоҳишини билдирган фуқаролар ҳарбий лицейларда, умумтаълим ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар), Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотида, ҳарбий ўқув юртлари қошида ташкил этилган тайёрлов курсларида ёки мустақил тайёрланадилар².

Бу масалада фуқаролик жамияти институтларининг, улар ичида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикасининг Призденти И.А. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисида таъкидлаганидек, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган “кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган принципини ифода этиш, бунда авваламбор ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг аҳамияти ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим³.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли, халқчил ислоҳатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва ижросида жамоат бошқарувининг азалий, анъанавий ва самарали воситаси- маҳаллаларга таяниб иш олиб бориш одат тусга кирди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни 9 модда (Янги таҳрири). 2001 йил 11 май. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2001. - № 5.

² Таджинов У., Саидов А. Х. Основний законодательства Республики Узбекистон. – Т., 2000. – С. 237.

³ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. –Т., 2005. – 181- б.

Республикаимизда 99941 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, улардаги 8349 таси маҳалла, 108 таси шаҳарча, 1334 таси қишлоқ, 105 таси овул фуқаролар йиғинини ташкил этади¹. Фуқаролар йиғинлари маҳалланинг ижтимоий–иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, оилалар тинчлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида фаолият олиб бормоқдалар.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мудофаани таъминлашдаги иштироки ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни хабардор этиш ва мудофаа ишлари бўлимларига чақиришни ташкил этишда кўмаклашадилар;

шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни бирламчи шахсий ҳисобга олиш ишини юритадилар, шунингдек, фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қатнашадилар;

фуқаро муҳофазаси ва ҳудудий мудофаа тадбирларида қатнашадилар;

ўз мулкидаги бинолар, иншоотлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларни уруш даврида мудофаа эҳтиёжлари учун қонунда белгиланган тартибда бериб турадилар, қилинган харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кейинчалик қопланади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда қатнашадилар².

Шундай қилиб Қуролли Кучлар мамлакат мудофаа тизимининг таркибий бўғини бўлиб, давлатнинг мустаҳкамлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги гаровидир. Қуролли Кучлар, Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва фуқароларнинг юксак ташкилий ва жанговор ҳолати, давлат мудофаасини

¹ Маткаримов Қ. Ватанга садоқат маҳалладан бошланади. // Ватанпарвар . - 2012 й.- 23 ноя.

² Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни 15 модда (Янги таҳрири).2001 йил 11 май./Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2001. - № 5.

таъминлашга қодирлиги мамлакатнинг тақдири ва риюжланишида асосий омил ҳисобланади.

II-боб: Ўзбекистон Республикасида Мудофаа тизимининг мустаҳкамланиши.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг юксак жангаворлик қобилияти ҳарбий-техникавий ва илмий куч-қудратининг ривожлантирилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Ўзбекистон Республикаси биринчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида халқ депутатлари эътиборини Қуrolли Кучларни, чегара ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма - босқич чуқур ислох этиш масалаларига қаратди¹. Шу асосда армия ислохатлари асосий йўналишларининг назарий асослари ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг аниқ ва равшан позицияси янги армияни шакллантириш ишида принципиал аҳамиятга эга бўлди. 1992 йил 14 январидан 1995 йил бошларигача бўлган давр Қуrolли Кучларимизнинг ташкилий ва қайта тузилиши даври бўлди. Аини шу даврда уларнинг ташкилий-штат тузилмаси қайта қурилди. Қуrolли Кучларимиз ҳаётий фаолияти ва юқори жанговар қобилиятига алоқадор бўлган ушбу муҳим муаммоларни ҳал этиш мақсадида мамлакатимизда қисқа муддатлар ичида миллий ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг изчил тизими барпо этилди. Тошкент олий умумқўшин, Чирчиқ олий танк, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль ва 1994 йил июнида ташкил этилган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети, 1995 йилнинг 2 сентябрида Тошкентда минтақамиздаги биринчи Қуrolли Кучлар Академиясининг очилиши улкан сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди².

Армияда ўтказилаётган ислохотлар нафақат ҳарбийлар иши, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсоннинг бурчига, виждоний ишига, ғурур

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т.7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. б.

² Хлизов А. Икки муҳим тарихий сана // Ватанпарвар. - 2012 й. - 7 дек.

ифтихорига айланиши лозим. Ўз элининг эгаси бўлган ҳар бир инсон армия ислохотларида ўз ўрнини топтоғи лозим¹.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунига асосан республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифаси ва муқаддас бурчидир².

Қуrolли Кучлар тўла шаклланиб бўлгач, навбатдаги вазифа уни давр талаби асосида ислох қилишдан иборат эди.

Ҳарбий ислохотларнинг биринчи босқичи 1998 – 2000 йилларда ўтказилди. Бу даврда:

- қўшинларда тезкор бошқарувни амалга ошириш мақсадида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари, ички ишлар қўшинларининг ҳудудий қўшилмалари тузилди;
- муҳим стратегик йўналишларда қўшин гуруҳлари ташкил этилди;
- қўшинлар, бирлашмалар ва қисмларни қайтадан жойлаштириш тадбирлари мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф- хатарларни чуқур таҳлил қилиш асосида, амалга оширилиши мумкин бўлган жанговар операцияларнинг тартиби ва йўналиши, хусусияти ҳамда мазмуни, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди;
- ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари билан ҳарбий ҳаво кучлари бирлаштирилди ва ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ташкил этилди;
- сони ва тузилиши, профессионал армияга ўтишдаги илк қадам бўлди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичи 2000- 2002 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда:

- Ўзбекистон Мудофаа доктринасига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмалари, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. 114-115-б.

² Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан - Т.: “Шарқ”, -2012. - 228- б.

хизматининг махсус қисмлари, шунингдек бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучлар тизими яратилди. Қуролли Кучларнинг ягона марказлашган бошқарувини ташкил этиш мақсадида Мудофаа вазирлиги бош штаби Ўзбекистон Қуролли Кучлари бирлашган штабига айлантирилди;

- Мудофаа вазирлиги, Чегара ва Ички қўшинлар қўшилма ва қисмларининг бутунлай янги жанговар, техник таъминот тизими жорий этилди;

- Сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

Илоҳотларнинг учинчи босқичи 2002-2005 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда:

- мамлакатда умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тубдан ўзгартирилди;

- Ўзбекистон фуқароларнинг ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбиясининг узлуксиз кўп поғонали тизими яратилди¹.

Амалга оширилган бу ишлар Қуролли Кучларни ҳар томонлама такомиллаштириш, унга жанговарлик касб эттирди, шахсий таркибни жипслаштирди, мавжуд ҳарбий сиёсий вазиятда масъул вазифаларни бажаришга қодирлигини оширди, миллий армиямизни мамлакатда ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик кафолатига айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Махсус кучлар қўшинларининг тузилиши мамлакат Қуролли Кучларининг профессионал тизимига ўтишида янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 26 январдаги Фармонида биноан профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солиниши билан профессионал армия тизимига замин яратилди².

Қуролли Кучлар ислоҳатида тезкор - стратегик режалаштириш ва қўшинларнинг ҳарбий хатти-ҳаракатларни Қуролли Кучлар маъмурий бошқарувидан ажратиш кўзда тутилди. Қўшинларни тезкор- стратегик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. 115-116 - б.

² Рахмонов А. Ватан ҳимоячилари хизмати доимо эъзозда // Ватанпарвар. - 2012 й - 21 дек.

режалаштириш ва уларнинг ҳарбий хатти -ҳаракатини бошқариш Бош штаб негизида ташкил этилган Қуролли Кучлар Бирлашган штаби зиммасига юклатилди ва унинг асосий ваколатлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- миллий ҳарбий стратегик, Қуролли Кучлар қурилиши ва ривожлантирилишининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш;
- Қуролли Кучларни, ҳарбий округларни, вазирликларни, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини тезкор- стратегик бошқаришнинг бош органи вазифасини бажариш;
- қўшинлар жанговар ҳаракатларнинг стратегик жиҳатдан ва тезкор режалаштирилиши ҳамда уларга раҳбарликни амалга ошириш;
- қонун ҳужатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш¹.

Қўшинларни маъмурий бошқариш ва унга раҳбарлик ишлари Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилди. Вазифаларнинг бундай тақсимланиши демократлаштириш жараёнларига ва кучли фуқаролик жимиятини қуриш тамойилларига мос келиб, мамлакатда ҳарбий қурилиш ишлари устидан фуқаролик назоритини ўрнатиш механизмининг амалга оширишга йўналтирилган. Мазкур ишлар армияни босқичма- босқич фуқаролик жамиятининг таркибий қисмига айлантиришга қаратилди.

Мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидларни таҳлил этиш мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни тақозо этди. Мазкур вазифаларни тезкорлик билан бажариш, қўшинлар бошқаруви самарасини ошириш, жанговарлик қобилиятини юксалтириш мақсадида мамлакат ҳудудида ҳарбий- маъмурий бирликлар, ҳарбий округлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа тўғрисида”ги қонунида ҳарбий округ тушунчасининг мазмуни келтирилган бўлиб, унга кўра ҳарбий округ, бу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажакимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. 116 - б.

операцион йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий -маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор - стратегик ҳудудий бирлашмасидир¹.

Мамлакат ҳудудида бешта – Шимоли-ғарбий (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти), Жануби-ғарбий маҳсус (Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари), Марказий (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари), Шарқий (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари) ва Тошкент (Тошкент шаҳри ва вилояти) Ҳарбий округлари ташкил этилиши билан қўшинлар ва қисмларни қайта жойлаштириш амалга оширилди. Бу тадбирлар қўшинларни энг муҳим стратегик йўналишларда жамлашга, ҳудудий мудофаанинг ҳақиқий тизимини шакллантиришга имкон берди, профессионал таркиби жиҳатидан энг мақбул армияни тузиш учун амалий ҳаракатлар бошланди. “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлашни кучайтиришнинг ташкилий тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 ноябрдаги қарори Давлат чегаралари ҳимоясини ташкил этишни янада такомиллаштиришда муҳим воқеа бўлди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш Концепцияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди².

Концепцияга мувофиқ, чегара қўшинларининг янги ташкилий- штат таркиби аниқланди. Мамлакатда бешта чегара минтақаси вужудга келтирилди, чегара отрядлари, комендатуралари ва чегара заставалари қайтадан ташкил этилиб, чегара районларига, базалари ва постларига айлантирилди.

Чегара қўшинларида ўтказилган ислохатларда асосий эътибор қўшинларнинг ташкилий штат тузилишини, моддий -техник базасини кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, улар билан ишлаш услубларини такомиллаштириш, чегаралар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилди ва бу вазифалар муваффақиятли равишда амалга оширилди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири), 2001. 11 май / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2001.- № 5.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. - 118 - б.

Ички ишлар кўшинлари тизимида ҳам ислохотлар кенг кўламда олиб борилди. 1999 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Ички кўшинлар бошқармаси асосида Ички ва Қоровул кўшинлари бош бошқармалари ташкил топди. Соқчилик бирлашмалари ва қисмлари Ички кўшинлар таркибидан чиқарилди. Ички кўшинлар таркибидаги тезкор милиция қисмлари ва бирлашмалари базасида махсус вазифаларни бажарувчи тезкор отрядлар тузилди. 1999 йил апрел ойидан бошлаб тезкор ҳаракатланувчи махсус қисмлар ташкил этилди. Мудофаа вазирлигига қарашли ўта муҳим иншоотларни қўриқлаш бўлинмалари Ички кўшинлар тасарруфига ўтказилди.

Ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий ислохотлар стратегияси асосида юртимизда сон жиҳатдан унча катта бўлмаган, замонавий қурол – яроқ ва техника билан қуролланган, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усуллари эгаллаган армия яратилди.

Республика раҳбари таъкидлаганидек, энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, халқимизнинг том маънодаги фахр-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди¹.

Ҳарбий ислохотлар доирасида мамлакат мудофаа тизими фаолиятининг ҳуқуқий базаси ҳам такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислохотлар, мамлакат мудофаасини ташкил этиш борасида тўпланган тажрибалар минтақадаги ҳарбий – сиёсий вазият ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, давлатимизда 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий доктринаси” ўрнига “Мудофаа доктринаси” ишлаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақиллика эришиш оstonасида китобини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. - 57. - б.

чиқилди ва Миллий хавфсизлик кенгаши томонидан 2000 йил 3 феврал куни қабул қилинди.

1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни 2001 йил 11 майда янги таҳрирда қабул қилинган бўлса, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуни тубдан қайта ишлаб чиқилди 2002 йил 12 декабрда янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган: муддатли ҳарбий хизмат; сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат; шартнома бўйича ҳарбий хизмат; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизмат ўтаган резервдагилар хизмати¹.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб лавозимларда муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизмат ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар².

Муддатли ҳарбий хизмат – чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб лавозимларда, шунингдек, муқаддам ҳарбий хизмат ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги мажбурий ҳарбий хизматдир¹.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва маънавий – маърифий хизматни ҳамда сафарбарлик жиҳатдан тайёрлигини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт- шароитларини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 20 ноябрдаги Фармони асосида 2009 йилдан бошлаб

¹ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда;; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002 .№ 11.

² Ўша манба

¹ Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан - Т.: “Шарқ”, -2012. - 234 -235- б.

фуқароларни Қуролли Кучларда ўтиладиган муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта- февраль – март ойларида чақириш ҳамда белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари заҳирасига март - апрель ойларида бўшатиш йўлга қўйилди.

Қонун асосида муддатли ҳарбий хизмат муддати 18 ойдан 12 ойгача қисқартирилди. Муддатли ҳарбий хизмат тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади¹.

Ўзбекистон Республикаси томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларга ҳарбий хизматдан сўнг ишга жойлашиш, олий ўқув юртларига кириб ўқишида қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш ҳақида”ги ПҚ- 213- сонли Қарори асосида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича Республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилди. Собиқ ҳарбий хизматчи шартнома асосида олий ўқув юртига ўқишга кирган ҳолда, шартнома тўловининг 35 фоизи Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилиши ҳам ўзига хос имтиёзлар сирасидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилда 31 майдаги имзоланган сўнги қарорига биноан юқорида зикр этилан қўшимча балл миқдори 27 фоиз этиб белгиланди ва ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун олий ўқув юртларига ўқишга киришида яна бир қатор имтиёзлар берилди.

¹ Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун,- 19 модда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2002 . - № 12.

Ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейларнинг битирувчиларига рўйхатга олиш чоғида улар тўплаган баллар сонига ўтиш бали энг кўп миқдорининг 10 фоизини қўшиш тарзида имтиёзлар берилди¹.

Қонун асосида мамлакатимизда жаҳон амалиётида биринчи маротаба сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат тури жорий этилди. Бу хизматга муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар олинди. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб варағига пул бадаллари киритилишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларнинг озиқ – овқат таъминотини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2005 йилдан бошлаб амалга киритилган озиқ – овқат таъминотида жанговар тайёргарлик дастурларини ўзлаштираётган, ўқув-жанговар ва махсус вазифаларни бажараётган шахсий таркиб томонидан сафланадиган куч-қувват ўрни тўла-тўқис қопланиши кўзда тутилган. Мазкур меъёрларга кирувчи маҳсулотларнинг доимий тарзда етказиб берилиши устидан назорат кучайтирилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида янги типдаги қўшин ошхоналари бунёд этилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди. Уларни замонавий технологик жиҳозлар, юқори сифатли идиш-товоқлар билан таъминлаш борасида зарур чора – тадбирлар амалга оширилмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг тўлиқ ва сифатли овқатланишлари учун қулай шароит яратилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг армия соҳасига оид тўпланган илғор тажрибаларини атрофлича ўрганиш натижасида ҳамда вилоятларимизнинг

¹ Ахмедов А. Тавсиянома-муҳим имтиёз / Ватанпарвар. - 2012 й. - 14 дек.

иқлими шароитларини инобатга олган ҳолда 2011 йилда Мудофаа вазирлигининг ҳарбий хизматчилари учун сўнги урфдаги ва энг муҳими, мамлакатимизда тайёрланган “Пиксел ” ва “тень” тусидаги, шунингдек, ҳар бир қўшин турига хос рангдаги қишки ва ёзги ҳарбий кийим русумлари, зирҳли совутлар, табиий чармдан тайёрланган пойабзаллар, узун қўнжли этиклар ишлаб чиқарилди. Ушбу буюмлар мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари ва чўл зоналарида синовдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилгач, ҳарбий хизматчилар учун жорий этилган буюм таъминоти меъёрларига киритилди¹.

Қуролли Кучлар Олий бош Қўмондони томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, маънавий мероси, аجدодларимизнинг жанговар анъаналарига таянган ҳолда, замонавий талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни ташкил этиш ва ислоҳ қилишга оид муҳим вазифалар қўйилди. Миллий армиямизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Барча соҳаларда бўлганидек, Қуролли Кучларимиз тизимида ҳам ислоҳотлар босқичма - босқич амалга ошириб келинмоқда.

Шундай қилиб ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол - яроқ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлган армия барпо этилгани қалбимизни фахр туйғуси билан тўлдиради.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий - руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Бугунги кунга келиб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. - 119 б.

конституциявий бурч, айна чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли ва шарафли касблардан бирига айланди.

Миллий армиямиз сафи мустақил Ўзбекистонимизга садоқат билан хизмат қилиш, унинг манфатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлашга азму қарор қилган мард ва фидоий, интеллектуал жиҳатдан етук кадрлар билан тўлдирилмоқда.

Бугунги кунда халқимиз Қуролли Кучларимизни Ватанимиз мустақиллиги, тинч - осойишталиги, бунёдкорона меҳнатининг ишончли ҳимояси деб билади.

2.2. Мудофаа тизимини мустаҳкамлашда кучли ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар берилишининг аҳамияти.

Мустақиллик йилларида Мудофаа тизимининг асоси бўлган Қуролли Кучларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган каттга ишлар олиб борилди. Ҳарбий ислохотлар жараёнида, армияни замонавий қурол- яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш улар учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди ва соҳага оид мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

1994 йил январдан эътиборан ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар, оддий аскаралар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар ҳаётини ҳарбий хизмат ўташ (ҳарбий йиғинларда иштирок этиш) даврида жароҳатланиш (контузияланиш) ва касалланиш ҳолатларида давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш жорий этилди¹. 1994 йил 1 октябрдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги муддатли ҳарбий хизматчилар ва махсус ўқув муассасаларида таҳсил кўраётган курсантларнинг ойлик маошлари уч баробарга оширилди². Шу билан бирга муддатли ҳарбий хизматчилар ўтаган хизмат даври уларнинг меҳнат стажи ва ихтосослик бўйича иш стажига бир ойи икки ой ҳисобланиб киритилди.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оилалари улар муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврдаги ер солиғи тўлашдан озод қилинди. 1996 йил 30

¹ “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 38-сонли “ Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахслар, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кировчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғиртаси тўғриси”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси .- 1994 - № 11

² “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли “ Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғриси”ги қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.- 1994.- № 12.

августдан эса ҳақиқий муддатли ҳарбий ҳизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар¹.

1997 йил 10 январдан муддатли ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг ойлик маошлари энг кам иш ҳақиға нисбатан 8 фоиз ҳисобида белгилаб қўйилди, эндиликда муддатли ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг энг кам ойлик маошлари республика ҳудудида ягона тариф сеткасида қабул қилинган ёки муддатли ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг жорий ойлик маошлари ўртача 1.5 баробар оширилди².

2003 йил 1 июлдан эътиборан оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг: лавозим маошлари – икки бараварга; ҳарбий хизматдан бўшатиладиган бериладиган нафақа миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 баравариги оширилди. Ўзбекистон Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Ўзбекистон Қуролли Кучлари малакали кадрлар билан республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кирганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп балнинг 20% миқдорида қўшимча имтиёз берилди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”ги 2005 йил 30 июндаги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг белгиланган тартибда турар жой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида 2005 йил 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 278-1 сонли “Шаҳар йўловчилар транспортда бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида” ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.-1996. - №4.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 январдаги ПФ- 1697 сонли “Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошларини ошириш тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.- 1997. - №1.

³ “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги 227 – сонли Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси . – 2003.- № 7.

аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига мансуб, турар жой билан таъминланмаган шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга ижарага уй олиб яшаётганликлари учун тўланадиган пул бадалининг миқдори (кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун тўланадиган тўловлардан ташқари) Тошкент шаҳрида - энг кам иш ҳақининг тўрт бараваргача миқдорида; Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – энг кам иш ҳақининг уч бараваргача миқдорда; Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туман марказлари ва аҳоли пунктларида - энг кам иш ҳақининг икки бараваргача миқдорда; оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларга тўланадиган ушбу пул бадалининг миқдорлари 50 фоизга оширилди.¹

2005 йил октябрдан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25% миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланади.² Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий - илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов шартнома асосида қабул қилинади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва танлов шартнома бўйича ўқишга қабул қилинган, ўқиш даврида “Қамолот ” ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган талабаларга Ўзбекистон Республикаси “Қамолот ” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан шартнома суммасининг 35 фоизини тўлаш тариқасида модий ёрдам кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда ҳарбий хизматчиларни маънавий рағбатлантириш, ҳурмат кўсатиш масалаларига ҳам алоғида эътибор қаратилиб, ҳарбий бурчни бажаришдаги ҳасрати ва мардлиги, Ватанимиз мустақиллигини, сарҳадларини, она- юрт тупроғини ҳимоя қилиш, миллий ҳавфсизлигимизни таъминлашга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2012. - 120 - б.

² “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

катта ҳисса қўшган фуқароларимиз Президентимиз томонидан орден ва медаллар, фахрий унвонлар билан тақдирланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда таъсис этилган “Мустақиллик”, “Амир Темур”, “Жалолиддин Мангуберди” орденлари, “Жасорат”, “Содик хизматлари учун” каби медаллар республикамизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган ватанпарварларни мукофатлаш, рағбатлантириш билан бирга Ватанпарвар юрт фидойиларини тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшаяпти.

Зеро, Президент И.Кармиов “Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир. Уларнинг доимо хушёр ва сезгирлиги туфайли сарҳадларимиз дахилсиз, юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда. Ҳарбийларнинг ҳам ҳаёти, оиласи, қувончу- ташвишлари бор. Улар учун муносиб шарт- шароитлар яратиб бериш доимий эътиборимизда бўлиши лозим” деб таъкидлаганлар.¹

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ва улар билан бирга истиқомат қилаётган оила аъзоларига, ҳақиқий ҳарбий хизматни давом эттириш учун тайинланган янги жойга етиб келишлари билан уч ойдан кечиктирмаган тарзда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда қўзда тутилган тартиб ва меъёрларга мувофиқ уй- жой ажратиб берилади. Айни вақтда ушбу уй- жой, ҳарбий хизматчиларнинг қўшимча истиқомат майдонига бўлган ҳақ-ҳуқуқи инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги балансига ўтказиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки идора тасарруфидаги турар - жой майдонлари фонди ҳисобидан ажратиб берилади².

Юртимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг

¹ Рахмонов А. Ватан химоячилари хизмати доимо эъзозда/ Ватанпарвар. - 2012. - 21дек.

² Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларнинг турур жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябр 694- сони қарори билан тасдиқланган.

эҳтиёжларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, ҳарбий тузулмаларга эга бўлган вазирлик ва ибораларнинг раҳбарлар, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг долзарб вазифасидир¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар учун яратилаётган имкониятлар ва кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати уларни ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажаришлари учун моддий ва маънавий рағбат бўлмоқда. Бугунги кунга келиб армияда ўз йигитлик бурчини ўтаб, хизмат қилиш катта шарафга айланди.

Хулоса

¹ Хлизов А. Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштиришга эътибор./Ватанпарвар. – 2013. – 1- фев.

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришган кундан бошлаб мамлакатимиз ҳаётини барқарорлигини таъминлаш мақсадида миллий армиямиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.А. Каримов миллий армиямиз ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан армиямизнинг оддий аскар, сержант, офицер ва генералларига йўллаган табрик нутқида, мамлакатимизда ҳарбий қурилиш соҳаси бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг мақсади ва уларнинг асосий мазмунини шарҳлаб шундай деган эди: «Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади».

Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа-Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишланган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида мазкур кенгаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очик-ошкоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилиши, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиши алоҳида белгиланган.

Мудофаа тизимини шакллантиришдаги яна бир муҳим жиҳат ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгани билан

аҳамиятлидир. Шу маънода уларни уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасида давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ҳарбийларга қатор имконият ва имтиёзлар яратмоқда.

Президентимиз Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай таъкидлади: «Юртимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифасидир».

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, халқимизнинг маънавий юксалишига замин ҳозирлаш, хусусан, ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ахлоқий-эстетик жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишларининг илмий асосланган тарбиявий тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишида Ўзбекистон Президенти И.Каримов асарлари, Олий Мажлис қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, илмий адабиётлар, диссертациялар, тарих дарсликлари ва ўқув қўлланмалари, шунингдек оммавий ахборот воситалари, расмий нашрларда чоп этилган мақолаларни таҳлил ва тадқиқ этиш асосида “Ўзбекистон Республикасида мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши мавзусининг ўқув қўлланма ва дарсликларда акс этиши” мавзуси бўйича қуйидаги хулосаларни чиқаришга ва тавсияларни беришга ёрдам берди.

1. Мавзуга доир тушунчаларнинг мазмун моҳиятини илмий ўрганиб чиқилди;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари, Олий Мажлис қонунлари, илмий адабиётлар ёрдамида Ўзбекистон Республикасида Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши тарихи ўрганиб чиқилди;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ташкил этишда Қуролли Кучлар, Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва фуқароларнинг мудофаани таъминлашдаги иштироки таҳлилий ўрганиб чиқилди;
4. Илмий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юксак жангаворлик қобилияти, ҳарбий-техникавий ва илмий куч-қудратининг ривожлантирилиши таҳлил этилди;
5. Мудофаа тизимини мустаҳкамлашда кучли ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар берилишининг аҳамияти ёритиб берилди;
6. Мавзунини ўқувчиларга тушунтириш учун мавзунинг бир соатлик дарс ишланмаси, мавзунинг технологик харитаси ва таълим технологиялари ишлаб чиқилди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб “Ўзбекистон Республикасида мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши мавзусининг ўқув қўлланма ва дарсликларда акс этиши” мавзуси бўйича қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Ўқув қўлланма ва дарсликларда мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши масалаларини кенгроқ ёритиш;
2. Мудофаа тизимининг шаклланиши ва мустаҳкамланишини фақат тарих дарсликлари орқали эмас, балки бошқа ижтимоий фанлар ёрдамида ҳам ўқувчилар онгига сингдириш;
3. Ўқувчиларнинг ватанпарлик туйғуларини янада кучайтириш мақсадида ҳарбийлар билан мулоқот ва учрашувлар уюштириш;

4. Оммавий ахборот воситалари орқали ватанпарварликни акс эттирувчи ҳаётий фильмлар, кўрсатувлар тайёрлаш.
5. Мудофаа соҳасига оид таъсирчан адабиёт ва санъат асарларини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат.- Т.: “Ўзбекистон ”, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиё йўли.- Т.: “Ўзбекистон ”, 1992.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: “Ўзбекистон ”, 1994.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Т.: “Ўзбекистон ” 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
7. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт.-Т.: “Ўзбекистон ”,1998.
8. Каримов И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Т.: “Шарқ ”, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.: “Ўзбекистон”, 1999 .
10. Каримов И.А Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун қурашмоқ керак. -Т.: “Ўзбекистон ”, 2001.
12. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. -Т.: “Ўзбекистон ”, 2002.
13. Каримов И.А. Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
14. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.-Т.12.-Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
15. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажакимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.-Т.: “Ўқитувчи”, 2012.

II. Ўзбекистон Республикаси норматив – ҳуқуқий ҳужжатлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон ”, 2003.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 1991. 31 август Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. - 1991 - №11.
3. Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги ”Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. - 1991 - № 12.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. - 1992. - № 5.
5. Ўзбекистон Республикаси “Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар Байроғи тўғрисида”ги Фармон. - Т.1993, 22 ноябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси “ 14 январь Ватан – ҳимоячилари куни”деб эълон қилиниши тўғрисида Қонун (1993).
7. Ҳарбий Доктрина (1995, 30 08)
8. Мудофаа доктринаси (2000 йил).
9. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрири). 2001. 11 май
10. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”Қонун. Т. 2002 йил
11. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги.-Т.: “Ўбекистон” 1996.

III. Илмий адабиётлар.

1. Аминов Б. Расулов Т. Ватан юракдаги жавоҳир . - Т.: “Ўқитувчи ”, 1996 йил
2. Абилов М.Х. Куролини Кучларда тарбия ва маънавий- марифий ишларнинг ташкил этилиши. Мақолалар тўплами. “Ватан ҳимояси- муқадда бурч”. - Т.: “Ўбекистон ”, 2001.
3. Гадоибоев А., Абдуллаев Н. “Маҳалла” фуқаролар ўзини - ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. - Т., 2006.

4. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. - Т., 2000.
5. Жалилов Ш. Кучли давлатдан - кучли жамият сари тижриба таҳлил амалиёт. - Т.: “Ўзбекистон”, 2001 йил
6. Зияева Д.Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. - Т.: “Шарқ” 2012 йил
7. Пахрутдинов Ш. Таҳдид - ҳалокатли куч. - Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
8. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. - Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
9. Ҳамроев Н. Мактабда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, Т. “Ўқитувчи”. 1981. бурч”. Т. “Ўзбекистон ” 2001.
10. Иноятлов И.Ю. Ҳарбий ҳамкорлик. Мақолалар тўплами. “Ватан ҳимояси – муқаддас бурч”. Т. “Ўзбекистон”, 2001.
11. Реджабоев А.Д. Ватан ҳимояси- миллий ифтихор. Т. “Ўқитувчи”, 2004.
- 12.. Самаров Р.С. Куролли Кучлар тизимининг феминлашуви. Т. 2005 йил
- 13.. Реджабоев А.Д. Ватан ҳимояси- миллий ифтихор. -Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
- 14..Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. – Т.: “Ўзбекистон ”, 2001.
15. Турсунов А.С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Мудофаа ва ҳавфсизлик. – Т “Ўзбекистон”, 2005.
16. Қобилов Ш. Р. Миллий ҳавфсизлик иқтисодий муаммолари. – Т .: “Шарқ”, 2006

Мавзуга оид таянч сўзлар

№	Ўзбекча	Русча	Инглизча
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			
10			
11			
12			
13			
14			
15			
16			
17			
18			
19			
20			
21			
22			
23			
24			
25			
26			
27			
28			
29			
30			
31			
32			
33			
34			
35			

Иловалар



2013 йил 11 январь куни "Туркистон" саройида Ватан химоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.




14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



Ҳарбийларимиз Ватанимизнинг фахри, ишончи ва сўянчидир.



Президентимиз Ислам Каримов ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда қад ростлаган “Ватанга қасамёд” ҳайкали ҳам юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонлар шарафига қўйилган бетакрор обидадир. **2010 йилнинг 12 январь**



ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД



Пр
ези
ден
ти
ми
з
Ис
ло
м
Ка
ри
мо
в
рах
на
мо
ли

гида мамлакатимиз Қуrolли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида замонавий қуrol-яроғ ва ҳарбий техникага эга миллий армиямиз шаклланди.



ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОБОД ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

